



Gazeta 1956 yildan  
chiqa boshlagan **2014 yil Oktabr 10 (736)**

# Bilim - taraqqiyot negizi

# Agroponm

TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI GAZETASI

**1 октябрь Устоз ва мураббийлар куни!**

**21 октябрь Ўзбекистон  
Республикасининг “Давлат тили ҳақида”  
ги қонуни қабул қилинган кун**

## АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

**1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН УНИВЕРСИТЕТ ПРОФЕССОР-  
ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА  
БАЙРАМ ТАБРИГИ**

Мухтарам устозлар!  
Қадрли ҳамкасблар!

Авваламбор, сизларни умумхалқ байрами–“Ўқитувчи ва мураббийлар куни” билан самимий табриклайман. Ёш авлодга меҳр-муруват, эзулик ва садоқат, ватанпарварлик ва самимийликни сингдириб келаётганлигиниз барчамизни кувонтиради.

Бугун сиз, азизларнинг кўз нури ва қалб кўрини, бор билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишлаб, маърифат зиёсини таратиб келаётган фидойи инсонларнинг шаънига самимий тилақларимизни изҳор этишни ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламиз.

Президентимиз томонидан 1 октябрь–“Ўқитувчи ва мураббийлар куни” деб эълон қилиниши ҳақидаги фармонга кўра ҳар йили бу кун умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келинмоқда. Халқимиздан чиққан устозларимиз бўлмиш, буюк алломаларимиз ёш авлодни маънан юксак қилиб тарбиялашимизда бизга замин яратганидан фахрланамиз.

Бугунги кунда университетимизда 450 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар ва мураббийлар ёш авлодни билимли, доно, етук ва баркамол қилиб тарбиялаш йўлида сидқидилдан фаолият кўрсатишмоқда. Улар орасида академиклар, халқаро академияларнинг ҳақиқий аъзолари, хизмат кўрсатган ёшлар мураббийлари, олий таълим фидойилари ва мустақил давлатимизнинг юксак унвоң, орден ва медаллари билан тақдирланганлар бор. Улар бизнинг фахримиз. Уларнинг меҳнат йўли ёшларимиз учун ҳамиша ибрат мактабига айланиб қолишига шубҳа йўқ.

Мухтарам илм фидойилари! Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ватан равнақи, юрт истикболи, халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги фаолиятингиз самарали бўлишини тилайман. Келажаги буюк давлатимизга муносиб ёш авлодни тарбиялаш, илм-фан ютуқларини янада юксалтиришдек заҳматли меҳнат йўлингиз ойдин ва баракали бўлсин!

**Б.А.Сулаймонов,  
Тошкент давлат аграр университети ректори**



## КАСБЛАРНИНГ ЭНГ УЛУҒИ

Дунёда касблар жуда кўп. Уларнинг ҳар бирини ўз ўрни ва бекиёс аҳамияти бор. Бироқ, шундай касб борки, унинг таърифи туганмас, меҳри бебаҳо, умри эса дунё қадар абадий, ҳаёт қадар давомлидир. Албатта, бу-ўқитувчилик касбидир. Бу вазифани ҳалол адо этиб келаётган университетимизнинг профессор-ўқитувчилари талабаларимизни ҳар томонлама етук, билимдон бўлишлари учун ўз меҳнатини аямасдан, талабалар учун ибрат намунаси бўлиб келмоқдалар. Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишда фаол иштироки учун ҳамда 1 октябрь–Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан университетимизнинг профессор-ўқитувчилари фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Университетимизнинг «Фалсафа» кафедраси мудири доцент З.Маркаев, «Ўзбек тили ва чет тиллар» кафедраси мудири Д.Мухитдиновалар Тошкент вилоятининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

**Ф.Ашурова,  
Маънавият ва маърифат бўлими услубийчиси**

## МУКОФОТ МУБОРАК...

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 2 октябрдаги 394-сонли «2014/2015 ўқув йили учун Республика олий таълим муассасалари талабаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендияларини тайинлаш тўғрисида» ги буйруғига асосан, 2014-2015 ўқув йили учун 2014 йил 1 сентябрдан бошлаб, Университетимизнинг билими, аъло хулқи, ташаббускорлиги билан алоҳида ўрнатқан кўрсатган куйидаги талабаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиялари тайинланди.

Бакалаврият босқичи талабаси Н.Рустамов, магистратура бўлими 2-босқич талабаси Н.Аманбаевлар Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндорлигини кўлга киритдилар.

“Иқтисодиёт” факультети талабаси Хасанова Сабоҳат Муродуллоевна Навоий стипендияси соҳибаси бўлди. “Фермер хўжалигини бошқариш ва юриштиш” факультети талабаси Жалилов Шоҳжаҳон Холбозор ўғли, “Ўсимликлар химояси ва карантини” факультети талабаси Ваҳобова Малика Абдирахимовна ҳамда, “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саклаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси” факультети талабаси Хўжакулов Улугбек Каримкулович Беруний стипендияси соҳибаси бўлди.

Хурматли ушбу мукофотга лойиқ деб топилган талабалар! Сизларни муборакбод этган ҳолда, ўқишларингизга улкан зафарлар тилаб қоламиз! Омад хамиша ёр бўлсин!

Университетда 21 октябрь Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида” ги қонуни қабул қилинган кун муносабати билан 2014 йил 18 октябрь куни университет талабалари амалиёт ўтаётган Сирдарё вилояти Оқ олтин туманида жойлашган барча пахта штабларида маънавий-маърифий тадбирлар ва концерт дастурлари ташкил этилди. Унда маънавий-маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими ходимлари, Хотин-қизлар кўмитаси, “Қамолот” ЁИХ аъзолари, “Ўзбек тили ва чет тиллар” кафедраси профессор-ўқитувчилари Тошкент вилояти Академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси “Шош наволари” ашула ва ракс ансамбли хонандалари (Раъно Қосимова, Моҳира Қамолова, Дилбар Назирова, Фируза Абдуллаева, Азиз Эралиев, Элёр Элчибоев, Азиз Хусанов, Ибодулло Худойбердиев, Акмал Абдурахимов) қатнашди

## Тил-миллат кўзгуси

Тадбирларда “Ўзбек тили ва чет тиллар” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан Ўзбек тили ер юзидаги ўта қадим ва бой тиллардан бири эканлиги, бир неча минг йиллик маданиятимиз тарихида халқимиз бадий тафаккури ва тилимиз кудратининг махсули сифатида юзага келган нафис сўз санъати дурдоналари бехисоблиги, истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, маънавийнинг таянч омилларидан бўлмиш тил масаласига атрофлича аҳамият берилгани ва бу соҳада бениҳоя кўламли ишлар амалга оширилганлиги ҳақида маърузалар ўқилди. Тошкент вилояти Академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси “Шош наволари” ашула ва ракс ансамбли хонандалари ижросида концерт дастурлари намойиш этилди.

Ф.Ашурова,  
Маънавий ва маърифат бўлими услубийчиси



## Ёшлар ҳар соҳада фаол

### Ёшлар ҳар соҳада фаол

Жорий йилнинг 20-23 октябр кунлари Тошкент вилояти, Бўстонлик туманидаги “Қамолот” ёшлар оромгоҳида Ҳаракатнинг худудий Кенгашлари қошида ташкил этилган “Мунозара” тўғараклари координатор ва тренерлари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Мазкур семинарнинг очилиш маросими 21 октябрь куни соат 9:00да барча координатор, тренерлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бўлиб ўтди.

Ўқув-семинарни ўтказишдан мақсад, мамлакатимизда ўсиб, вояга етаётган ёш авлодни ҳар томонлама мукамал ва мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий ўзининг эркин фикрига эга бўлган ёшларни тарбиялаш, уларда тизимли таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш ва моҳирона мунозара олиб бориш қобилиятларини ривожлантириш, ўқувчи-талабаларда ватанпарварлик ва фаол фуқаролик ҳиссини шакллантириш, муаммога атрофлича ёндаша олиш, ўз фикрларини асослаш ва аниқ баён қилиш, малакаларини шакллантиришда кўмак бериш ҳамда тўғри йўналтириш, ўқувчи-талабаларда ташаббускорлик, ташкилотчилик, нотиклик, етакчилик сифатларини ривожлантириш ва нотиклик этикасини ўргатишдан иборат.

Мунозаралар замонавий ҳаётга оид энг долзарб масалалар устида баҳс олиб бориб, ўзгаларнинг фикрига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишга ундайди, инсоннинг таҳлилий ва танқидий фикрлашини ривожлантиради, дунёқарашини кенгайтиради. Шу жиҳатдан мунозара давомида ҳар икки жамоанинг иштирокчилари вазифаларига кўра (тасдиқловчи, инкор этувчи) фикрни тўлиқ ифода этиш, уларни исботлар, мисоллар келтириш орқали ўз рақиблирига саволлар бериш имкониятига эга бўладилар.

Беллашув якунида ҳакамлар мунозараларни ижобий ҳамда ҳаққоний баҳолашади. Ёш нотикларнинг иштироки давомидаги кучли ва султ томонлари, жамоада ишлаши, мулоқот жараёнида ишлатган далил ва тегишли мисоллар келтириш қобилиятига умумий баҳо беришади.

“Мунозара” тўғараклари координатор ва тренерлари учун ташкил этилган мазкур ўқув-семинар якунида энг фаоллар ва ғолиблар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Жумладан, Тошкент давлат аграр университети талабалари Равшан Хасанов, Маъмура Халилова ҳамда Ширин Ёқубовалар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Р. Хасанов Тош ДАУ Зоотехния факультети талабаси,  
“Қамолот” ЁИХ Бошланғич ташкилоти сардори.



## Талабалар амалиётига тасанно

Мана кузнинг иккинчи оyi тугаб бормоқда. Кузнинг кизгин паллалари дехконлар учун эрта баҳордан бошлаб, пешона тери эвазига етиштирган ҳосили натижаларини сарҳисоб қиладиган дақиқалар ҳисобланади.

Табиатнинг инжикликлари билан курашган, унга бардош берган, унинг тилига йўл топа олган дехкон учун она замин қўйнига қўйган ҳар бир уруғнинг униб чиқиб, ўсиб ҳосилга киришини кўриш чинакам бахт ҳисобланади. Мамлакатимизнинг аграр сектори бўлган оқ олтин бойлигига жаҳон бозорида талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ушбу секторнинг янада такомиллаштириш борасида бу йил ҳам чидамли ва ҳосилбоп бўлган пахтанинг энг яхши нави экилиб, давлатимиз хирмонида катта ҳисса қўшилди. Республика хирмонида ўз хиссасини қўшиш мақсадида университетимизнинг "Агроиктисодиёт" факультети талабалари ҳам пахта далаларида амалиёт ўташди. Улар бу амалиётни Тошкент вилояти Чиноз туманида амалга оширишди. Дала амалиётини келгуси касбининг ажралмас қисми деб ҳисоблаган талабалар амалиётни сидқидилдан бошлашди.

Амалиётда чинакам ташаббус кўрсатган 2-босқич талабаси Ортиқбоев Отабек, 3-босқич талабалари Абдураимов Сухроб ва Қурбонов Улуғбек, 4-босқич талабаси Мусурмонов Шохрух ва бошқа талабаларни фахр билан тилга олсак арзийди. Талаба йигит-қизлар оқ олтин хирмонида кунига 5-6 тоннадан пахта териб чарчашмади. Уларга керак бўлган барча қулайлик ва шарт-шароитлар яратилиб, уларнинг меҳнатини янада енгиллаштирди. Факультет декани Тошбоев Абдураим ака талабаларни қўллаб-қувватлаб, яқиндан кўмаклашиб турди. Талабалар меҳнатини рағбатлантириш Чиноз туман хокимлиги, университет касабга уюшмаси томонидан амалга оширилиб, талабалар кайфияти янада кўтарилди.

Давлатимиз бойлиги ҳисобланган оқ олтинни териб олишда тинмасдан, виждонан меҳнат қилган талабаларга ва ишчи ходимларга тасаннолар айтиб, кейинги ишлари ва ўқишларига улкан зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

С.Отамуронова, Г.Тилова  
"Ингиз тили" кафедраси ўқитувчилари

### ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТИЗИМИДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ХИМОЯЛАНИШИ

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳисобландилар. Ҳуқуқий муносабатлар субъекти деганда эса, қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва бурчга эга бўлган шахслар тушунилади.

Давлат аҳолининг бошқа табақаларини қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Чунки, улар мамлакатимиз келажигидир. Бола ҳуқуқлари, уларнинг қонуний манфаатлари, 1924 йилги "Бола ҳуқуқлари Женева Декларацияси" ва БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1959 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари Декларацияси"да кўрсатиб ўтилган ва "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси"да, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги, "Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида"ги Халқаро пактларда, шунингдек, юқоридаги халқаро ҳужжатлар асосида 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган бўлиб, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияда мустаҳкамланган. Болалар ҳуқуқларига оид меъёрларнинг расмийлаштирилишидан кўзда тутилган асосий мақсад, "Бола ҳуқуқлари Декларацияси"да кўрсатиб ўтилганидек, "Бола ақлий ва жисмоний жиҳатдан етуқ бўлмаганлиги сабабли махсус кўрикланиш ва ғамхўрликка, шу жумладан, туғилишидан олдин ва кейин ҳам етарли даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтожлиги"ни эътиборга олиш ҳамда уни амалга оширишдир.

"Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги Халқаро пактнинг 24-моддасига асосан, ҳар бир бола ирки, терисининг ранги, жинси, тили, дини, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкый аҳволи ёки насл-насаби (туғилиши)дан қатъий назар, сира камситилмасдан аҳволига кўра гўдақ бўлгани учун оила, жамият ва давлат томонидан муҳофаза тадбирлари кўрилиши ҳуқуқига эгадир. Шунингдек, ҳар бир бола туғилиши билан оқ дарҳол рўйхатдан ўтказилиши ва унга ном қўйилиши керак, ҳамда ҳар бир бола фуқаролик соҳиби бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Ногирон ва етим болаларга жамиятда ўз ўринларини топиб кетишлари, руҳан эзилмасликлари учун алоҳида ғамхўрлик борасида малакали тиббий-педагогик ёрдам кўрсатилиши лозим. Бола жисмоний, ақлий, руҳий, маънавий, ижтимоий ривож топиши учун етарли ҳаёт даражасига эга бўлиш, билим олиш ҳуқуқига эга.

Бу талабаларни бажариш аввало ота-оналарга юклатилган юксак масъулиятдир.

Ҳар бир боланинг яшаши, баркамол бўлиб ўсиши учун асосий ўчоқ оила ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 2-моддасига мувофиқ, ота-она зиммасига боланинг фаровон ҳаёт кечириши ва баркамол бўлиб ривож топиши ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш вазифаси юклатилган. Оиланинг ички ҳаётига, болаларнинг тарбиясига бошқаларнинг ўзбошимчалик билан аралашшига, тарбиясига салбий таъсир ўтказишига қонун йўл қўймайди. Агар, боланинг ҳуқуқлари камситилса, бундай оилага нисбатан қонун йўли билан таъсир кўрсатишга, ота-онанинг ҳуқуқларини чеклашга, хаттоки, ота-онага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш чорасини қўллашга ҳам тўғри келади.

Болалар ўз ота-оналари билан бир оилада яшашлари ва тарбияланишлари учун, аввало, ўзининг ота-онасини билиши, таниши керак. Болаларнинг ўз ота-онасини билиши тўғрисидаги қоида "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги БМТ конвенциясининг 7-моддасида назарда тутилган. Ҳар бир бола оилада ота-онаси ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга деганда, боланинг озиқ-овқат, даволаниш, кийим-кечак, ўқув қўлланмалари, унинг яшаши ва билим олиши учун зарур бўлган бошқа нарсалар билан таъминланиши назарда тутилади<sup>1</sup>.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) болалар ўзларининг физиологик ва биологик ҳолатларига биноан доимий ҳимояланишга ва ғамхўрликка муҳтождирлар;

2) мамлакатимизда вояга етмаганлар қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш масалаларига мунтазам равишда алоҳида эътибор берилмоқда.

## BUGUNNING GAPI

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 2014 йил 10 сентябрдаги  
255-сонли Қарорида белгиланган  
вазифалар ижроси тўғрисида

## Донорлик — савобли иш

Тирик инсон ўзгаларни сақлаб қолиш учун қўли, оёғи ёки юрагини бера олмайди, албатта. Аммо унда ўз қонидан бериш имконияти бор. Зеро, 400 грамм қон инсонни ҳаётга қайтариши мумкин

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли қон қуйиш ва гематология илмий-текшириш институтининг болалар бўлимидаги беморлар қон ва унинг компонентларининг ўз вақтида қуйилишига ҳамisha муҳтождирлар. Одатда қон беришда яқин қариндошлар донорлик қилишади, лекин яқин қариндошларда мазкур касалликка мойиллик мавжудлиги туфайли қуйилаётган қон ҳамма вақт ҳам беморга тўғри келавермайди. Шунинг учун ҳам кўпинча кўнгилли ёшлар, талабалар, қорхона ва ташкилотларда ишловчи ишчилар донорлик қилади.

Одатда, қон топшириш бевосита иш жойининг ёки олий ўқув юртининг ўзидан, қон қуйиш ва гематология илмий-текшириш институти кўча бригадаси вақтинча жойлаштирилган, санитария-гигиена талабларига мос келадиган алоҳида хоналарда амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг турли факультетларида тахсил олаётган кўплаб талабалар ҳам аввал тиббий кўриқдан ўтди, сўнгра шифокор тавсиясига биноан қон топшириб, кўнгилли донорлар сафига қўшилди. Тиббиёт ходимлари бемор одамларга ёрдам қўлини чўзиш истагида бўлган кўнгиллилар кўплигидан ҳайратга тушишди.

– Мен биринчи марта қон топширганимга қарамадан ўзимни яхши хис қилман, агар зарур бўлса, яна қон топширишга тайёрман,– дейди халқаро журналистика факултети I-босқич талабаси Нилуфар Умарова.– Қон топширишни соғлиғим кўтарганидан, қонга муҳтож инсонларга ёрдам бераётганимдан жуда хурсандман. Бунинг устига қон топшириш жараёни деярли оғриқсиз, донорга ҳеч қандай зарар етказмайдиган тарзда ўтар экан.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар тиббий хизматни ривожлантириш ва инсон манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Айни вақтда донорлик ҳамда қон қуйиш хизматининг хавфсизлигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августда қабул қилинган “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги қонуни муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Донорликни янада ривожлантириш ва қон қуйиш хизматини жаҳон стандартлари даражасига етказиш йўлида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, қон қуйиш станциялари қайта таъмирланиб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қон қуйиш хизматини ривожлантиришга давлатимиз томонидан берилаётган эътибор тиббий хизматлар сифатини ошириш ва аҳоли соғлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Шуниси қувонарлики, ёш донорларимиз ҳам ўзгалар дардига шерик бўлиб, мана шундай савобли ишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Албатта, донор бўлиш ёки бўлмаслик – ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Аммо бу борада бефарқ бўлиш инсонга ярашмайди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Газетамизнинг кейирги сонда сиз, Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМга асосан, Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш ҳақида умумий қондалар билан танишсангиз

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ 2014 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.**

Сайловлар – демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоши-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда фаол иштирокининг асосий шаклидир.

Сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда очиқлик ва ошқоралик асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган сайлов комиссияларининг мустақил тизими амал қилиши миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Қонунчиликка мувофиқ, сайлов комиссиялари мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунди. Ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмаларининг сайлов комиссиялари фаолиятига аралашшига ҳар қандай уришишлар таъқиқланади.

Бўлажак сайловлар жамиятни янада эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнидаги батамом янги шароитларда ўтказилади. Бойси, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти мустаҳкам ва барқарор ривожланиш босқичига кўтарилган бўлса, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва ҳаёт даражасини ҳам шунга яраша юксалиб, мамлакатимиз халқаро майдонда ўз муносиб ўрнига эга бўлмоқда.

Оммавий ахборот воситалари жамиятда кечаётган жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлана бормоқда. Улар фуқароларга ўз фикри ва гоъларини, юз бераётган воқеаларга нисбатан нуқтан назари ва муносабатини эркин билдириш имконини бермоқда. Бу эса, аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга, мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга қўмаклашмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайлов қонунчилигини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар сайловларни энг юқори демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга қатъий мувофиқ равишда ўтказишнинг муҳим омили бўлди.

А.Нурмурадov  
87-Қибрай сайлов округи комиссияси раиси

## АФГОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ – ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ОЛДИДА ТУРГАН ДОЗАРБ МАСАЛА

Марказий Осиё минтақасида, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш Президентимиз фаолиятининг энг муҳим ўзақ тамойилларидан бири бўлиб келмоқда. Шу боисдан ҳам Юрбошимиз Ислам Каримов ўзининг барча чиқишларида бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтади. Хусусан, минтақавий тинчликнинг умумий тамойиллари ҳақидаги принципиал муҳим гоъяни илгари суради: “АЙСЕФ деб аталмиш коалицион қўшинларнинг 2014 йилгача ва ундан кейин Афғонистон худудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ равишда ушбу

мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятнинг янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркотрафиканинг кучайиши хавфи борлиги, қиска қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатда аҳвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги қўшни давлатларда жиддий ховотир уйғотмасдан қолмайди, албатта”.

Ҳақиқатдан ҳам, Афғонистонда 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён давом этаётган урушнинг охири, якуни ҳалигача кўринмапти.

**Юзларим ёшарсин десангиз...****Кўк чой асосида тайёрланувчи ниқоблар**

• 100 г ёғли творогни 2 чой қошиқ асал ва ярим пиёла кўк чой билан аралаштириб, 15 дақиқага юзингизга суртиб қўйинг.

Бу ниқоб юз терисини озиқлантиради, тинчлантириб, ёшартириш хусусиятига эга.

• Қуйидаги аралашмадан макияжни тозаловчи восита сифатида фойдаланиш мумкин. Икки чой қошиқ кўк чойни битта тухум сариғи, 1 ош қошиқ шакар, 50 грамм ўсимлик ёғи билан яхшилаб аралаштириб, юзга суртилса, макияждан колувчи юз салқинини йўқотади.

• 2 ош қошиқ гуруч унига 1 чой қошиқ кунжут ёғи ва 2 ош қошиқ кўк чой аралаштирилади. Ниқоб тозаланган юзга ўн дақиқага суртиб қўйилади. Сўнг аввал илиқ кейин совуқ сувда ювилади. У юздаги майда ажинларни йўқотишга ёрдам беради.

• Юз териси ёғли бўлган аёлларни ҳуснбузарлар ва юзнинг ёғланиб кетиши қийнайди. Буни олдини олиш учун икки ош қошиқ кўк чой қайнатилган маъданли сувда дамланади. Илиқ ҳолга келгач бир неча томчи лимон шарбати томизилади. Эрталаб юзни шу дамламада артсангиз, ёғли юзнинг муаммоларидан халос бўласиз.

• Яллиғланишга мойил тери соҳибалари докани кўк чойга намлаб олиб, 20 дақиқага юзга қўйилади. Агар, терингиз қуруқ бўлса, ниқобни олгач юзингизга озиқлантирувчи крем суртиб қўйинг.

• Агар сиз кўп вақтингизни компьютер қаршисида ўтказсангиз, кўк чой компресси кўз мушаклари зўриқшининг олдини олишга ёрдам беради. Аччиқ қилиб дамланган кўк чойга пахтали тампонларни ботириб, 10-15 дақиқага қовоқларингиз устига қўйинг.

**Соч парвариши ҳақида...**

Соч организмнинг саломатлигидан дарак бериб туради. Агар, соч толаси хира тортиб, табиий жозибасини йўқотаётган бўлса, соғлигингиз ҳақида жиддий қайгуришингиз лозим.

Танангиз турли касалликлардан азият чекмаётган бўлса-да, сочларингиз жилосини йўқотмоқдами? Унутмаслик керакки, соч доимий парваришга муҳтож. Парваришнинг биринчи шarti эса, уларнинг қайси турга мансублигини аниқлаб олишдан бошланади. Хўш, сочингизнинг қайси турга мансублигини биласизми? Одатда улар уч турга бўлинади: қуруқ, ёғли ва мўътадил.

Қадимда аёллар соч парвариш қилишда ҳар хил табиий воситалардан фойдаланишган. Тухум, қатиқ, асал, турли илдизлар қайнатмасидан соч учун ниқоблар тайёрлашган. Ушбу малҳамларнинг баъзилари ҳануз фойдаланувда.

Сочни ювишдан ярим соат олдин яхшилаб уқаланг. Бунинг учун асал, алой, лимон суви, канақунжут мойидан тенг миқдорда олиб, қирғичдан ўтказинг. 2 дона саримсоқ пиёз билан аралаштиринг. Тароқни аралашмага ботириб, сочларингизни секин таранг ва бармоқларингиз билан уқаланг.

Саримсоқли ниқоб: Саримсоқ пиёзни майда тишли қирғичдан ўтказиб, тенг миқдорда ўсимлик ёғи билан аралаштиринг. Бош ювишдан 2 соат олдин уни сочларингизга суртинг. Сўнг яхшилаб ювиб ташланг. (Давоми бор)

Интернетдан олинди.

**ЧўНТАҚДАГИ ҲИКМАТЛАР**

Дунёдаги воқеаларнинг ҳеч бири ҳеч биридан муҳим эмас. Бунга энг содда мисол, ҳатто борлиқдаги энг зарарли вирусларнинг ҳам олам мувозанатида ўз ҳиссаси бор.

\*\*\*

Биз ҳамиша бировлар хатоларидан сабоқ олишга ўрганиб қолганмиз. Бу нисбатан фойдали, албатта. Аммо ўз қилмишларимиздан сабоқ олиш қанчалар фойдали эканини билганимизда эди...

\*\*\*

Кўпчилигимизнинг онгимизда билим бу – ақл, ақл бу – билим деган тушунча шаклланиб қолган. Шунинг учун ҳам, (кўз нури сусайганидан) кўзойнак таққан, (расмий мажбуриятдан) бўйинбоғ боғлаган инсонларнинг бари ақлли инсонлар деб ташхис қўйишда адашамиз. Математиканинг энг мураккаб тенгламаларини ечишга етган ақли, онасига ярим кило новвот олиб беришга етмаган билимли инсонларни ақлли дейиш адолатдан эмас.

\*\*\*

Кибр ва манманлик ҳеч кимга ярашмайди. У жуда кулгули. Худди подшоҳ пўстинини кийиб, ариқ тозалаётган хизматкор каби ажабланарли.

\*\*\*

Кўпчилигимиз бировларга қилган ёмонликларимизни хотирамизнинг буғланган деразасига, яхшиликларни эса, темир дафтарига ёзиб қўямиз.

\*\*\*

(Давоми бор)

Маърифат ТЕМУРЗОДА  
журналист

(Мавзунинг боши 4-саҳифада)

Афғонистонда шундай қонли уруш давом этаётган, турли кучлар, гуруҳлар ўртасида ярашгиш, муросяга келиш масаласи мутлақо кўрилмаётган экан, бу Ўзбекистон учун, халқимиз учун, умуман, Ўрта Осиёда яшаётган одамлар учун жуда катта таҳдид, жуда катта ҳафв – хатардир.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масаласи бугунги куннинг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Афғонистон можароси–фақат бу мамлакат ёки унинг қўшнилариининг муаммоси эмас. Можаро оқибатлари минтақавий ва глобал хавфсизликка бевосита ва ғоят кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш йўллари топишда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутмоқда. Сўнгги ўн йил давомида мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон муаммосини ҳал қилиш борасидаги саъй–ҳаракатларида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Афғонистон муаммоси нафақат бевосита жуғрофий яқинлик нуқтан назаридан, балки катор бошқа сабаблар туфайли ҳам Ўзбекистонга жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бу мамлакатдаги кескин нотинч вазият Марказий ва Жанубий Осиёга доимий равишда таҳдид солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк даврларидан бошлаб Президент Ислоҳ Каримов нуфузли халқаро минбарлардан бонг уриб, халқаро ҳамжамиятни Афғонистон тақдирига бефарқ қарамастикка, бу заминда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши учун қўлдан келадиган барча чораларни кўришга қатъий даъват этиб келмоқда. Ўзбекистон раҳбари БМТнинг Нью – Йорк шаҳрида, 1993, 1995, 2000 йилларда бўлиб ўтган саммитларида халқаро хавфсизликка Афғонистондан чиқаётган таҳдидлар ҳақида дунё ахлини тақор ва тақор оғохлантиради. Ислоҳ Каримов афғон уруши узок вақт ёйилиб кетиши, ҳатто узок денгиз ва океанлар ортидаги давлатлар учун ҳам ҳалокатли оқибатлар келтириши мумкинлиги ҳақида кўп бор оғохлантиради.

Афғонистон муаммоси бўйича ўнлаб халқаро конференция ва учрашувлар ўтказилляпти. Лекин, уларнинг ҳаммаси ҳам реал амалий самара бераётгани йўқ.

Афғонистонда рўй бераётган қонли можаролар, ўз қўлами ва хавфлилик даражасига кўра, ХХ асрнинг охирига келиб, халқлар, миллатлар учун мисли кўрилмаган катта таҳдидга айланади.

Афғон муаммоси ва уни келтириб чиқарган туб сабаблар ҳамда уларнинг оқибатлари тўғрисида Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (1997) номли асарида чуқур концептуал хулосаларни баён қилган эди.

Ушбу хулосалар бугунги кунда ҳам афғон муаммосини ҳал этишнинг илмий ва амалий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Асарда таъкидланганидек, “18 йилдан бери уруш кетаётган Афғонистондаги тангликнинг чуқурлиги ва кескинлиги, унинг минтақавий ва дунё миқёсидаги жуғрофий – сиёсий жараёнларга таъсирини эътиборга олиб, бу фожеани қўлами ва хавфи жиҳатидан ҳозирги дунёнинг энг катта минтақавий можаролари жумласига киритиш мумкин”.

Афғонистон ҳудуди бугунги кунда ҳам муаммолар тугуни ичида қолгани ҳолда, минтақамиз ва шунингдек, бутун дунё учун хавф–хатар манбаи бўлиб қолмоқда. Бу мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий, ҳарбий вазият ўта мураккаб ҳолатда турибди. Вазиятни ўнглаш бўйича шу пайтга қадар амалга оширилган чора-тадбирлар ўзининг етарли даражадаги ижобий самарасини бермаляпти. Афғонистон ҳудудида тинчлик ўрнатиш мақсадларини кўзлаб фаолият олиб бораётган халқаро коалиция кучларининг фаолияти шу пайтга қадар мазкур мамлакатда тўпланиб қолган ўтқир ва зиддиятчи сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муаммоларнинг ечилишига ва афғон жамиятининг барқарор тараққиёт йўлига ўтиб олишига сезиларли даражада ёрдам бера олмаяпти.

Афғонистонда ўз ечимини кутиб турган қуйидаги ижтимоий – сиёсий масалаларни ҳал этиш лозимлигига эътиборни қаратади:

- 1) оддий халқининг эҳтиёжларини қондириш;
- 2) аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш;
- 3) ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш;
- 4) афғон халқининг халқаро коалиция кучларига нисбатан ишончини қозониш йўлини кўриш;
- 5) халқаро ҳамжамият имкониятлари ҳисобидан ёрдам ва қўмақ ажратиш;
- 6) афғон халқининг диний, миллий, маданий кадрият ва урф – одатларини ҳурмат қилиш;

7) “6+2” мулоқот гуруҳини “6+3” мулоқот гуруҳига айлантириш, яъни унда НАТО ваколатхонасининг иштирокини таъминлаш лозим.

ШХТ бирор–бир давлат ёки ташкилотга қарши қаратилмагани ва очик фаолият олиб бориши билан халқаро муносабатларнинг янги шаклини юзага келтириди, “Шанхай руҳи” тушунчасига йўл очилди. Ташкилотнинг асосий мақсадлари:

Аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш;

Минтақада тинчлик, хавфсизлик, барқарорликни биргаликда таъминлаш ва сақлаб туриш; сиёсий, савдо, иқтисодий, илмий–техникавий, маданий соҳалардаги самарали ҳамкорликка кенг йўл очиб бериш;

Энергетика, транспорт, туризм, атроф –муҳитни ҳимоя қилиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кучайтириш;

Ҳозирги вақтда Афғонистонда етиштирилаётган наркотик моддалар ва уларни хуфиёна йўллар билан бошқа мамлакатларга чиқариш ҳажми шу қадар ортиб кетдики, эндиликда бундай ҳолат бутун инсониятга таҳдид солуви хатога айланди. Афғонистонда аслида ҳаракат қилаётган террорчи гуруҳлар билан наркотик моддаларни етиштирувчи ва сотувчилар ўз фаолиятини бирлаштириб олди. Кейинги йилларда кўкнори етиштирадиган плантациялар ҳажми 10 мартага кўпайган.

Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, ҳозирги пайтда дунёдаги мавжуд наркотик моддаларнинг асосий қисми Афғонистонда етиштириляпти. Унинг 75% эса Европа мамлакатларига тарқатилляпти. Бу миллати ва элатидан диний эътиқодидан қатъий назар инсониятни ҳалокатга олиб борадиган уни майиб-мажруҳликка мубтало этадиган, бошқача айтганда, инсоният тараққиётини таназзулга дучор этадиган дахшатли балодир.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

## Талабалар шеърлятидан

Кўзларим сарсон йўлингда,  
Сабрим тўлган кутарман.  
Кўнглим вайрон йўлингда,  
Адо бўлган кутарман.

Ўтар кунлар, ҳафталар,  
Сенчи ҳамон ўшасан.  
Куттириб қўйиб баъзан,  
Ҳеч кўринмай кетасан.

Кел энди вақтим кетиб,  
Ортиқ қилмайин афсус.  
Жондан ортиқ кўрганим,  
Қадрдоним - автобус !-

Соатлаб кутиб ҳатто,  
Таъзимини еганман.  
Шундай пайтларда сенинг,  
Қадрингни мен билганман.

Ишимни қилиб енгил,  
Хурсанд этган ўзингсан.  
Баъзан жуда соғинтириб,  
Сарсон этган ўзингсан.

Интернетдан олинди.

### HAZIL...

Bunga o'jiz texnika ilmi,  
Ishqqa qanday dori bor ekan?  
Ko'ndiraman quydirib dilni,  
Sevganimni yori bor ekan.

Ta'na toshin yog'dirib kular,  
Meni sendan og'dirib kular,  
Ko'nmay telba ko'ngil o'ksinar,  
Sevganimni yori bor ekan

Kechmoqlikni istamas yurak.  
Do'stlar bunga chora bormikan?  
Endi unga yetmasam kerak.  
Sevganimni yori bor ekan.

Boldan shirin so'zi bor ekan.  
Oydan-da oq yuzi bor ekan.  
Yori bo'lsa mayliya do'stlar,  
Bir o'gil bir qizi bor ekan  
SEVGANIMNING ERI BOR EKAN...

Bu dunyoda kimlar bozor qurib o'tdi  
Bu dunyoda kimlar mozor qurib o'tdi  
Qilgan barcha orzulari bo'lib ro'yo  
Bu dunyodan kimlar ozor ko'rib o'tdi

Равшан Ҳакмурод  
Тош ДАУ Зоотехния факультети  
талабаси

## LESSON 4

## Verb to be in Present Simple (Indefinite)

To be феълининг шахс-сонда тусланиши  
positive

I	am	I'm
He She It	is	He's She's It's
We You They	are	We're You're They're

- My baby **is** 2 years old.
- I **am** a student of Tashkent state Agrarian University.
- They **are** my friends.
- She **is** an English teacher.
- It **is** 11 o'clock. You **are** late again.

negative

I	am not	I'm not
He She It	is not	He isn't She isn't It isn't
We You They	are not	

question

short answers

am	I? He ? She? It?		Yes, No,	I'm He's She's It's	not
are	We? You? They?		Yes, No,	We're You're They're	not

Машқлар

## 1. Сўроқ шакли ёрдамида гаплар тузинг.

1. (your mother at home?) **Is your mother at home?**
2. (the weather nice today?).....?
3. (your books in your bag?).....?
4. (My sister an architect?).....?
5. (those flowers very beautiful?).....?
6. (My shoes very dirty?).....?

## 2. To be феълини мос шахсларга қўйиб тусланг.

1. Ali ...in your garden.
2. His books... on the table.
3. Alice ... 8 years old. She ... a pupil.
4. Ali and Tom ... very good friends.
5. Cars ... very expensive in your country.

Г.Тилова, С. Отамуродова  
ТошДАУ инглиз тили кафедраси ўқитувчилари  
(Давоми бор)

## БИЗ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИМИЗ

2014 йил 28 октябрь куни, Тошкент давлат аграр университетида, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маънавий, ахлоқий-тарбия бошқармаси, университетимиз Маънавият ва маърифат ишлари бўлими ҳамкорлигида “ЁШЛАР ЎРТАСИДА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ ҲОЯЛАРИ ТАРҚАЛИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ” мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита масъул ходими М.Мирисмоилов, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги маънавий, ахлоқий-тарбия бошқармаси бошлиғи М.Комилов, Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор А.Абдувакилов “Маънавият ва маърифат” ва икtidорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи М.Турсунов, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Халикова, профессор-ўқитувчилар ва талабалар қатнашдилар.

Ёшларнинг замонавий билим ва касб-хунарга эга бўлиши, истеъдодли йигит-қизларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, диний экстремизм ва фундаментализм, ақидапарастлик ва миссионерликка қарши курашиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда.

Шу муносабат билан барча ўқув юртларида, университетларда, академик лицей ва касб-хунара коллежларида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш мавзуларига қаратилган тадбирлар ташкил этиляпти. Бундай тадбирларни ташкил этишдан мақсад ёшларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш - ёшларни турли оқимларга қўшилиб кетмаслиги учун уларни оғохликка чақиришдан иборат.

Диний экстремистик оқимлар ва террорчилик ташкилотлари томонидан дунё ҳамжамиятига етказилаётган талофотлар ер юзидаги барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар олдида турган глобал муаммолардан биридир.

Ислоҳ динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланиб келмоқдалар. Кўпчилик ёшларнинг турли оқимларга кириб қолишларининг асосий сабаби, уларнинг илмсиз эканлигида; диний билимга эга бўлмаганлиги учун динни ниқоб қилиб олган айрим шахсларга алданиб қолиши ўта ачинарли ҳолдир.

Жаҳон сиёсий ҳаритасида кўплаб давлатлар мавжуд бўлиб уларда турли сиёсий кучлар, партиялар, динлар, диний оқимлар, мазҳаблар, гуруҳ ва қатламлар фаолият кўрсатаётганлиги, улар ўзаро фаркландиган, баъзан бир-бирига зид бўлган манфаатларга эга эканлиги, айнан мана шу манфаатлар ўзга халқлар, турли минтақалар, давлатларнинг аҳолиси ёки ижтимоий гуруҳлар онига, турмуш тарзига таъсир ўтказиши, уларни бўйсундириш учун йўналтирилган мақсадларни шакллантириши ва бундан қўзланган асосий муддао муайян жойдаги кишиларга иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва диний қарашларни сингдириш орқали ўз манфаатларини таъминлашга интилиш бўлиб қолмоқда. Ҳар бир киши ёт ва беғона ғояларга нисбатан оғох бўлиши бугунги куннинг энг муҳим талабидир

Бундай ҳолатларни олдини олиш, ҳар биримизнинг, жумладан, биз ёшларнинг асосий бурчимиз бўлиб қолиши керак.

Ф.Ашурова,  
Маънавият ва маърифат бўлими услубиётчиси

## E'OLONLAR

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ БЎШ (ВАКАНТ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ  
ЛАВОЗИМЛАРИГА МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**Кафедра мудирлари:**

1. Жисмоний тарбия кафедраси; 2. Ветеринария кафедраси; 3. Математика ва ахборот технологиялари кафедраси.

**Профессорлар:**

1. Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси; 2. Машина трактор паркидан фойдаланиш ва техник сервис кафедраси (0.25 вакансия); 3. Фермер хўжалигини бошқариш кафедраси (0.25 вакансия); 4. Бухгалтерия ҳисоби кафедраси.

**Доцентлар:**

1. Умумий техника фанлари ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси; 2. Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси кафедраси; 3. Ўзбек тили ва чет тиллар кафедраси; 4. Физика ва кимё кафедраси; 5. Ўрмончилик ва экология кафедраси; 6. Фермер хўжалигини бошқариш кафедраси; 7. Қишлоқ хўжалиги электр энергетикаси ва электротехнологиялари кафедраси; 8. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси; 9. Бухгалтерия ҳисоби кафедраси (0.5 вакансия); 10. Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси ва фитопатологияси кафедраси (0.75 вакансия); 11. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш кафедраси; 12. Машина трактор паркидан фойдаланиш ва техник сервис кафедраси (0.75 вакансия).

**Катта ўқитувчилар:**

1. Деҳқончилик ва мелиорация асослари кафедраси; 2. Мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси; 3. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси; 4. Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси; 5. Маркетинг, маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш кафедраси; 6. Фермер хўжалигини бошқариш кафедраси; 7. Физика ва кимё кафедраси.

**Ассистентлар:**

1. Деҳқончилик ва мелиорация асослари кафедраси; 2. Ўрмончилик ва экология кафедраси (0,5 вакансия); 3. Ўсимликларни химоя қилиш (0.5 вакансия); 4. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; 5. Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси ва фитопатологияси кафедраси (0.5 вакансия); 6. Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси; 7. Машина трактор паркидан фойдаланиш ва техник сервис кафедраси; 8. Зоотехния кафедраси (0,5 вакансия); 9. Ипакчилик (0.25 вакансия); 10. Фермер хўжалигини бошқариш кафедраси; 11. Математика ва ахборот технологиялари кафедраси; 12. Фалсафа; 13. Мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси (0.25 вакансия); 14. Бухгалтерия ҳисоби кафедраси (0.75 вакансия); 15. Умумий техника фанлари ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси; 16. Қишлоқ хўжалиги электр энергетикаси ва электротехнологиялари кафедраси; 17. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш кафедраси (0.25 вакансия).

**Ўқитувчилар:**

1. Инглиз тили кафедраси; 2. Ўзбек тили ва чет тиллар кафедраси; 3. Жисмоний тарбия кафедраси.

Танлов учун ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 2014 йил 15 ноябргача қабул қилинади.

**Талаб қилинадиган ҳужжатлар:** Ректор номига ёзилган ариза, сўровнома, таржимаи ҳол ва мазкур кафедрада ишлаш учун тегишли олий маълумоти ҳақидаги дипломи ва қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, улар тегишли диплом, аттестат нусхаларини ва илмий ишлар рўйхати, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалар.

Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишдан олдин улар томонидан синов лекциялари (университет профессор-ўқитувчилари учун – очик машғулотлар) ўтказилади. Синов лекциялари ва очик машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов қатнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади.

Илгари ўзлари эгаллаб турган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисобот беради.

**Ҳужжатлар қуйидаги манзилга топширилади:**

100140, Тошкент-140, Тошкент давлат аграр университети, бош бино, 3-қават, Ходимлар бўлими. Телефон: 260-46-80.

«AGRONOM»  
MUASSIS:  
Toshkent  
Davlat  
agrar  
universiteti

Gazeta Toshkent viloyati  
Matbuot va axborot  
boshqarmasi tomonidan  
19.10.2010 y.  
№03-068 raqam  
bilan ro'yxatga olingan

ISSN raqami 2181-7782

Muharrir:  
XOLIDA KARIMOVA  
Tahrir hay'ati:

A.A. ABDUVOSIQOV, F. ASHUROVA,  
D. XOLIQOVA, SH. DURXODJAYEV,  
M. QURBONOVA

agronom\_gazetasi@umail.uz  
Tahririyat manzili: Toshkent vil.  
Qibray t. Universitet ko'chasi, 2 uy



Bosishga  
topshirilgan vaqt  
25 oktabr 2014 yil.





